

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**мавзуси: КОРХОНАДА МЕНЕЖМЕНТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШ**

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Маманазаров О.Ш.

Битирувчи:

5230200 - Менежмент(қурилиш)
йўналиш талабаси
Ўтбосаров Д.Б.

Тошкент -2015й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
1-БОБ. КОРХОНА МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	11
1.1. Корхона менежментининг моҳияти ва унинг корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда тутган ўрни	11
1.2. Корхона менежменти тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари	23
1.3. Корхона менежментини ривожлантиришда хориж тажрибаси ва уларнинг таҳлили.	29
2-БОБ. «КИМУОНИМОУАТА`МИНОТ» ҚК МЧЖ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ	33
2.1. Корхонанинг қисқача тавсифи ва асосий иқтисодий-техник кўрсаткичлари ..	33
2.2. «КИМУОНИМОУАТА`МИНОТ» ҚК молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари таҳлили	40
3.1. Корхона менежменти моделлари ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари.	56
3.2. Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инкирозга қарши омиллардан фойдаланиш йўллари.	62
3.3. Корхоналар самарадорлигини оширишда корхона менежментининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
ИЛОВАЛАР	76

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон саноат корхоналаридан жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инвестиция жозибадорлигини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо қилинади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш, инвестициялардан янада самарали фойдаланиш бўйича 2015 йилга қадар қабул қилинган давлат дастурлари бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилиши, корхоналарга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини ривожлантириш, бунинг учун инвестициялар жалб этиш доирасини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

“Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди”¹. деб таъкидлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида халқаро алоқалар мустаҳкамланиб бориши самарали корпоратив бошқарув тизими кенгрок жорий этилишини талаб қилмоқда. Жумладан, республикамиз корхоналари зиммасига замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//www.uz.uz

Жаҳон амалиётида корпоратив муносабатларнинг корхона фаолияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳамда уни тартибга солиш бўйича бой тажриба тўпланган. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларида бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

“Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 2014 йилда ўткан йилга нисбатан 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Ўткан 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий салдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

2014-йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принциплари бўйича ташкил этилганини таъкидлаган ҳолда уларни самарали ишлашида мавжуд бўлган муаммоларга алоҳида тўхталиб, “Акциядорлик жамиятлари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритишларида қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарурлигини кўриб чиқиш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва

²Каримов И.А. “2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” нутқи // “Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим” - эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгаши, умумий йиғилиш, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш кечиктириб бўлмас масалалардан бири эканлигини айтиб ўтди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади корхона менежментини такомиллаштиришда хориж тажрибаларини ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида татбиқ этишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида талаба ўз амалиётини ўтаган «KIMYONIMOYATA'MINOT» қўшма корхонаси олинган. Битирув малакавий ишида ушбу ташкилотга корхона менежментининг хорижий тажрибасини қўллаш масалалари ёритилган.

Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишининг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- корхона менежментининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий – услубий асосларини ўрганиш;
- корхона менежментини ривожлантиришда хориж тажрибаси ва уларнинг таҳлилини кўриб чиқиш;
- хориж тажрибасини ислоҳ этишнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва муҳим жиҳатларини татбиқ қилиш;
- корхона менежменти тизими самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, унинг мезонларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- бошқарув тизими самарадорлигини такомиллаштиришнинг асосий

йўналишлари муаммосини ўрганиш ва кўрсатиб ўтиш.

Хўжалик юритиш субъектларини бошқаришда замонавий усулларидан фойдаланиш нафақат ҳозирги даврнинг, балки келажакнинг муҳим шартидир. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда инновацион жараёнларни ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштиришда корпоратив органлар фаолияти йўналишлари ва вазифаларини қай даражада бажарилиши муҳим ўрин тутди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини корпоратив бошқарувнинг тамойиллари асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси учун янги, ўрганилмаган муаммо. Бу муаммони ўрганишда хорижий давлатларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш, унинг жабҳалари ва механизмларини, корпорациялар ташкилий таркибларининг технологик қарашларини қабул қилиш, корпоратив ва акциядорлар маблағларини бошқаришни ташкил этиш соҳаларидаги тажрибаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарур ва айни пайтда муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида корхоналарга инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш масаласи саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида шаклланган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий тамойиллари ва методологиясини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда шу асосда амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот предмети. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бошқарув самарадорлигининг аҳамияти, мазмуни, унинг мезонлари, бошқарув самарадорлигининг тавсифловчи кўрсаткичлар, уларга таъсир

этувчи омиллар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Корхонада менежментни такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш “KIMYONIMOYATA’MINOT” ҚК МЯЖ мисолида хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланишни кўрсатиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. КОРХОНА МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхона менежментининг моҳияти ва унинг корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда тутган ўрни

Эркин рақобат шароитида корхона менежментининг моҳиятини, назарий асосларини тадқиқ этиш иқтисодиёт фанининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун авваламбор бошқариш методологияси ва механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантиришга доир ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд. Замонавий “корхона менежменти” тушунчаси қарийб 40 йилдан бери маълум. Унинг келиб чиқиши ўтган аср бошларида, энг аввало, АҚШда, йирик корхоналар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу корхоналарда бошқариш ва эгалик қилиш вазифалари бир шахс қўлидан бошқа шахслар қўлига ўта бошлаган. Корхонага эгалик қилиш ҳуқуқининг кўп сонли акциядорлар ўртасида парчаланиб кетиши ва бошқарув вазифаси менежерлар қўлига ўтиши мулкдорлар билан менежерлар ўртасида ўзаро зиддиятли муносабатлар туғилишига олиб келди. Бундай муносабатларнинг сабаби шу эдики, менежерларнинг бошқарув соҳасидаги ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам мулкдорларнинг манфаатларига мос келмайдими. Сабаби - мулкдор ишлаб чиқаришга қўйган сармоясига максимал даражада фойда олишга ҳаракат қилади, менежер эса кўплаб бошқа мақсадларни: шахсий даромадлар юқори даражада бўлишини таъминлаш, мансаб поғоналарига интилиш, тинч-хотиржам ҳаётни сақлаб туриш, корхона узок муддат давомида яшаши ва бошқа мақсадларни кўзлайди.

Замонавий корхона менежменти тизими ривожланган мамлакатларда мазкур муаммони ҳал қилишга, яъни корхоналарда мулкдорлар билан мулкни бошқариш бир-биридан ажралиши туфайли келиб чиқадиган зиддиятларни бартараф этишга икки хил ёндашув мавжуд. Мулк майда қисмларга бўлиниб кетган иқтисодиётда (АҚШ, Буюк Британия) менежерлар


Ўзини мустақил бошқарувчилар сифатида тутиши ўртада низо келтириб чиқаради. Бу низо менежернинг акциядорлар манфаатларига зарар етказган ҳолда ўз манфаатларини кўзлашга мойиллиги билан боғлиқ. Бундай шароитда кичик акциядорлар, қоида тариқасида, менежерларнинг бошқарув фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрната олмайдилар.

Бу мамлакатларда юқори даражада ривожланган фонд бозори мавжуд бўлиб, унда инвесторларнинг манфаатлари етарлича ҳимоя қилинади, шунингдек, акциядор бевосита кам аралашадиган, профессионал менежерлар бошқарадиган корхоналар кўпчиликини ташкил этади.

Германия, Япония ва Россия каби мамлакатлар иқтисодиётида мулкнинг тижорат банклари қўлида тўпланиши (ишончномалар олиш, банк депозиторийлари қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиши каби йўллар билан) таъминланмоқда ва бу мамлакатларда акциядорлар билан менежерлар ўртасида амалда низо чиқмайди. Йирик мулкдорлар компанияларни ўзлари бошқарадилар ёки уларнинг ишига шу қадар фаол аралашадилар ва уларни шу қадар қаттиқ назорат қиладиларки, натижада менежерлар билан акциядорлар манфаатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларга ўрин қолмайди. Назоратдан хусусий наф кўриш агентларни иқтисодий жиҳатдан номақбул ҳаракатларга ундаши мумкин. Бу ҳаракатлар компаниянинг бозор баҳосини оширишдан кўра кўпроқ миноритар акциядорлар мулкни экспроприация қилишга (активларни олиб қўйиш, дивидендлар тўлашдан бош тортиш, нархлар борасида ҳийла-найранг ишлатиш ва ҳоказолар орқали) қаратилиши мумкин.

Муаллифни фикрича, корхона менежменти механизмини тавсифлаш учун қуйидаги муносабатларни кўриб чиқиш зарур: мулкдорларнинг ички гуруҳи, менежерларнинг ички гуруҳи, мулкдорлар ва менежерларнинг ўзаро муносабатлари, молиявий бозор ва мулкдорлар муносабати, меҳнат бозори ва мулкдорлар вакиллари ўртасидаги муносабатлар, товар бозори ҳамда менежерлар муносабати ва ҳоказолар. Мулкдорларнинг ички гуруҳлари муносабатлари тўғрисида фикр юритилар экан, булар кимлар ва уларнинг

вазифалари нималардан иборат эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Корхона мулкдорлари индивидуал ва институционал гуруҳларга бўлинади. Индивидуал инвесторларга жисмоний шахслар, ташкилот ва бошқа корхоналар киради. Институционал инвесторларга нафақа жамғармалари, балки суғурта компаниялари, инвестицион жамғармалар, банклар ҳам киритилади (1.1-расм). Корхона мураккаб ташкилий тузилма бўлиб, унинг бошқарув жараёнидаги ишни бир шахс амалга ошира олмайди. Шу сабабли корхона маълум ваколатга эга бўлган бир гуруҳ менежерлар томонидан бошқарилади.



1.1-расм Корхона мулкдорлар таркиби

Корхона менежерлар гуруҳининг чикими уносабатларимасалалар ташкилот назарияси, ташкилий хулқ, менежмент психологияси каби фанларда баён этилади. Классик назария

менежерлармулкдорларманфаатийўлидаишолибборади, дебфаразкилади. Умумийёндашувдабухулосатўғрибўлсаҳам, алоҳидаолинганҳоллардаменежернингшахсийманфаатларимулкдорларманфаатларигамоскелмаслигимумкин.

Мулкнибошқаришмулккаэгаликданажралганҳоллардаменежерлардаўзма нфаатларинимулкдорларманфаатлариданустунқўйишучунимкониятвужудгак еладивабувокеликнатижасидаменежментбиланкорхонаменежментинингфарк ланишиСОДИРБўлади. “Менежмент” ва “корхонаменежменти” атамаларидастлабхўжаликтизимибўлганкорхонанибошқаришни, яъниМОЛИЯ, кадрлар, ИШЛАБЧИҚАРИШ, маркетингсиёсативашукабиларнибошқаришнианглатарэди.Бироқ, ўтганасрбошлариданэътиборанкорхонаменежментидеганда, мулкдорларнингкорпоративтузилмалардоирасидагиманфаатларинирўёбгачиқ аришгақаратилганҳаракатлар, ШУНИНГДЕК, менежерларинингмулкдорлартомониданназоратқилинишитушуниладиган бўлди.

АгарМДХгааъзобўлганбаъзимамлакатларнингакциядорликжамиятларид а 1990 йилларбошларива ўрталарида асосий низо ўз мулкани қаттиқ туриб ҳимоя қилган “корхонадиректорлари” билан янги ташқи инвесторлар ўртасида авжолган бўлса, корпоратив иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ички жараёнлар анча ўзгарган.

Биринчидан, кўпчилик акциядорлик жамиятларида корпоратив назорат ниҳоят стратегик мулкдорлар қўлида тўпланди. Йирик акция пакетларини олиш-сотиш юзасидан вақти-вақти билан тузиладиган битимлар, қоида тариқасида, мамлакат корхоналари вертикал интеграциялашган тузилмаларини яратиши ҳамда бошқа соҳаларга тегишли активлардан қутулиши билан боғлиқ бўлади. Энди янги мулкдорлар акциядорлик сармоясининг асосий қисмига эгаллик қилмоқдалар ва менежерлар оппортунизмига ўрин қолмаётир. Менежерлар мулкдорлар томонидан қаттиқ назорат қилинмоқда, корхоналарнинг молиявий-хўжалик сиёсати йирик

акциядорлар манфаатлари билан уйғунлашган. Бунда мулкдор томонидан “хизматга буюрилган” менежерлар ўзларига ваколат берган акциядорларнинг корпоратив манфаатлари қолиб, шахсий субъектив манфаатларига амал қила бошлайдилар. Кўпинча йирик акциядорнинг вакили бўлмиш менежер сарфланган сармояни максимал даражада кўпайтириш мақсадидан (акциядорнинг асосий мақсадидан) четлашади, бошқа омиллар (шахсий даромадни кўпайтириш, инновацияларни жорий этишга ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга хоҳиш йўқлиги ва ҳ.к.) таъсирини сезади.

Шу тариқа муаммо ички ва ташқи акциядорларнинг ўзаро муносабатларига кўчади. Ташқи мулкдорлар ички акциядорларнинг манфаатларига бирон-бир тарзда амал қилишдан озгина бўлса ҳам манфаатдор эмаслар. Маълум даражада ишонч билан шуни тахмин қилиш мумкинки, корхона ташқи қарзларга фаолроқ мурожаат қила бошлаганидагина майда акциядорларнинг манфаатлари бузилмайди. Корхоналарни молиялаш тузилмасида банклардан кредит олиш ва ўз маблағларидан фойдаланиш устун бўлиб қолар экан, миноритар акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳамма ҳаракатлар ҳеч бир натижа бермайди. Ҳозир айнан ўз қимматли қоғозларини ошқор жойлаштириш дастурларини амалга ошира бошлаган компаниялар корхона менежментининг сифати масаласида етакчиларга айланганлиги тасодиқий эмас.

Корхона менежменти фаолиятини ташкил этишда асосий институтлардан бири бўлган корхонанинг директорлар Кенгашида кузатув кенгашига муҳим жой ажратилди. XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб, директорлар Кенгаши фаолиятининг самарадорлиги бўйича ўтказилган илмий изланишлар 1950 - 1960 йилларда директорлар Кенгаши мулкдорлар манфаати учун ҳаракат қилади, деган мавжуд назарияни инкор этди. Ушбу хулосани М.Мейс ўтказган сўровлар натижаларининг статистик тадқиқотлари тасдиқлади.

Мустақил директорлар фаолияти самарадорлигини пасайтирувчи бошқа сабаблар ҳам бор. Масалан, директорлар ўз мавқеларини йўқотмаслик учун тез-тез корхона фаолиятини ташкил этишни рационаллаштириш йўлида тўсқин бўладилар, яъни корхонанинг қўшилиб кетиши ёки бошқа корхона таркибига кириб кетишига эътироз билдиришади.

Шунинг учун бирорта ҳам директорлар Кенгаши корхона менежменти самарадорлигига кафолат бермайди³. Натижада корхона менежментини самарали ташкил этишнинг бошқа механизмларини кўриб чиқиш зарурати туғилади. Булардан бири ташқи назорат механизми ҳамда молиявий бозор томонидан назорат қилиш механизмидир. Корхона менежменти тизимида молиявий бозорни юқори ижобийлиги акция баҳоси ва корхона менежменти самарадорлиги билан корреляция боғлиқлигидир . Бунга асос қилиб Р.Мертон томонидан бозорнинг афзаллиги тўғрисида ўтказилган тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, акциядор бевосита менежер ишини баҳолашга қодир эмас, лекин корхонанинг акция курси ўзгаришига қараб, корхона фаолиятида унинг бошқарувига таъсир этиш имкониятига эга.

Акция курслари ўзгариши натижасида корхона фаолият кўрсатаётган тармоқни бошқа шунга ўхшаш тармоқдаги корхоналар ёки фонд бозорига нисбатан таққосланади. Агарда бундай ўзгариш салбий бўлса, у ҳолда корхона менежменти фаолияти самарадорлиги паст деб қаралади.

Бундай вазиятда мулкдорлар корхона фаолиятига қуйидаги икки усул орқали таъсир этишлари мумкин:

Директорлар кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида корхона менежерларини ишдан бўшатади. Лекин мулкдорлар корхона аъзолари бўлиб қоладилар. Таҳлиллар шуни аниқладикки, акция курсининг пасайиши жуда катта бўлган ҳолатларда акциядорларда бош директорни ўзгартириш истаги пайдо бўлади.

Мулкдорлар ўзларига тегишли бўлган акцияларни сотишади.

³Проблемм внедрения корпоративного управления В Узбекистане. - Т.: Центр экономических исследований, 2006. - 17 с.

Корхона акциядорларининг оммавий кетиши акция баҳоси пасайишига олиб келади ва бунинг оқибатида корхона бошқа компанияга қамраб олинади. Акция баҳоси ўзгариши билан корхонанинг бошқа компанияларга қамраб олинишига боғлиқлиги

Ф.Бергер, Е.Офека, К.Мартин ва Ж.Маконелла тадқиқотларида кўрсатилган. Мулкдорлар алмашинуви корхона менежменти ўзгаришига олиб келади. Корхона менежменти назоратининг охирги чегараси кўпчилик иқтисодчилар фикри бўйича, товар бозорлари ва у билан боғлиқ корхонанинг банкротликка келиб қолишидир.

Акциядорларда менежерлар иши самарадорлигини назорат қилиш мавжуд воситаларнинг кўплиги, улар ҳар хил ерда ва ҳар доим қўлланилади, деган маънони англатмайди. Одатда, кўп тармоқли корхона менежменти моделида бир нечта асосий механизмлардан фойдаланилади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бундай тизимни шакллантириш корхоналарда акциядорлик капиталининг қандай қилиб ва қимлар орасида тақсимланишини кўрсатиб беради.

Турли муаллифлар корхона менежменти моделларининг туркумланишини таклиф этиб, корхона капитали концентрлаштирилган даражасига боғлиқлигини таъкидлашса, бошқалари корхона назорати қимнинг қўлида эканлигига боғлиқлигини кўрсатиб ўтишган. Биз тадқиқотларимизда ушбу омилларнинг корхона менежменти тизимига таъсири кўриб чиқилади.

Кўпчилик иқтисодчилар фикрича, йирик акциядорлар йўқ шароитда корхона менежменти тизимининг асосий камчиликларидан бири унинг беқарорлигидир. Бу, биринчидан, акциядорларнинг ички ва ташқи курашлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, кичик акциядорларнинг акцияларни даромадлилиги пасайганда сотишга интилишларидир. Бу эса, менежерларни узоқ муддатли инвестицион лойиҳалардан воз кечишларига, маълум давр ичида корхонага акциялари бозор қийматининг пасайтирилишига олиб келади.

Капиталнинг кучли тарқоқлиги шароитида ички ва ташқи акциядорлар ўртасидаги кураш, одатда, кўпроқ корхона менежерлари фойдасига хал бўлади. Чунки, биронта майда акциядор корхона менежменти ташвишларини ўзига олмайди, балки уларни бошқа акциядорлар зиммасига юклайди.

Корхона менежментини ташкил этишдаги яна муҳим масала агентлик низоларини ҳал қилишдир. Иқтисодчи олимлар томонидан ушбу масалани ўрганиш кучли агентлик низолари, механизмлари ва акциядорлик капитали улуши ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамда манфаатлар мавжудлиги натижасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш олий менежерларга тааллуқли, деган хулосаларга олиб келди.

Бу муаммони дастлаб Джонсон ва Меклин тадқиқ этганлар ва шундай хулосага келганлар, яъни корхона қиймати акциядор капиталининг тузилишига боғлиқ. Улар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, менежерларга корхона акция пакетлари қанчалик кўп тўғри келса, агентлик низоларининг даражаси шунчалик паст бўлади. Бу назария манфаатлар конвергенцияси номини олган⁴. Бошқа тадқиқотларда қарама-қарши йўналишда ҳаракат қила оладиган кучлар аниқланди. Бунда асосий гипотеза менежерлар фаолиятини молиявий бозор орқали назорат қилиш, яъни акциялар курсига таъсир этиш, молиявий бозор орқали компаниянинг бошқа компания томонидан қамраб олиниши хавфи.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, бу корпоратив модель ёпиқ характерга эга, яъни ушбу моделга ташқи акциядорларнинг таъсири кўзда тутилган даражада эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу йўналишда етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаётганлигидир.

Ўзбекистонда корхона менежменти асослари бозор ислохотларини амалга ошириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давридан шакллана бошлади.

⁴Хессель, Мейерс. Корпоративное управление. Владельцам, директора и наемные работники акционерного общества. - М.: 2004. - 49 с.


Мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳозирда иқтисодий соҳадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Корхона менежментини жорий қилиш ва такомиллаштириш орқали Ўзбекистон компаниялари янги сифат босқичига ўтишлари мумкин. Шундай экан, корхона менежментини ривожлантириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида 2008 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда қуйидагилар белгилаб қўйилди:

-2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун низом жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади;

-фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг низом жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт. Бунинг натижасида 2014 йил 1 январ ҳолатига республикада акциядорлик жамиятлари сони 1371 тани ташкил этди. Республикада фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари динамикаси (2007-2014 йиллар) таҳлилидан маълум бўладики, 2007

йилдагига нисбатан 2008 йилда, акциядорлик жамиятлари сони 1845 тага камайиб, 2271 тани, 2009 йилда эса 2017 тани ташкил этди. 2011 йилда 1925, 2012 йилда эса 1779 та акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатган. 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 1547 тани ташкил этди (1.2-расм).



1.2-расм. Республикадаги акциядорлик жамиятлари сони

Акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган эмиссия миқдори 2007 йилда 1901 млрд.сўмни, 2008 йилда 2217,7 млрд.сўмни, 2009 йилда 2996 млрд.сўмни, 2007 йилда эса 3475,6 млрд.сўмни ташкил қилди. 2011йилга келиб, акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган эмиссия миқдори 2012йилдагига нисбатан 368,2% га ёки 5099,1 млрд. сўмга кўпайди (1.3-расм).



Манба: Ўз.Р Давлат мулк қўмитаси маълумотлари

1.3-расм. Республика акциядорлик жамиятларида акцияларнинг 2003-2010 йиллардаги эмиссия миқдори

Ўзбекистонда хусусийлаштириш тажрибаси шунни кўрсатдики, кўпчилик корхоналар акциядорлик жамиятларига айланганлари билан ривожланиши учун сезиларли миқдордаги маблағларга эга бўлмадилар. Шунинг учун зарур маблағларни жалб қилиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида корхоналар қимматли қоғозларнинг иккинчи эмиссиясини чиқаришлари мумкин.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, эмиссия қилинган акцияларнинг катта қисми корхона ходимларининг қўлида. Натижада корхоналар учун акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозоридаги қиммати ошиши қўшимча сармоялар жалб этадиган асосий манбага айланмади. Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, иккиламчи бозор кониқарли даражада фаолият кўрсатмаганлиги боис корхоналарга инвестицияларни жалб этиш имкониятлари чегараланмоқда. Корхоналар томонидан чиқарилган акцияларнинг ликвидлиги пастлигига асосий сабаблардан бири улар олаётган даромад камлигидир. Қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган талабнинг камлигига акциядорлик жамиятлари

дивидендларни ўз вақтида тўлай олмаётганлиги, шунингдек, акциядорлар ўз ҳуқуқларини билмаслиги, баъзан эса дивидендларни ўз ҳуқуқларига мувофиқ талаб қила олмаётганликлари сабаб бўлмоқда.

Айрим раҳбарлар акциялаштирилаётган корхоналарнинг низомий жамғармасида давлат ва жамоа мулки ҳиссасини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолишига уринмоқда. Натижада акцияларинвестициялар манбаи сифатида ўз вазифаларини тўла бажармасликка сабаб бўлмоқда. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат аралашувини камайтириш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишини малакали мутахассислар орқали тузиш ва уларни бошқаришнинг олий органига айлантириш;

- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ҳақида инвесторга етарли ахборот бериш;

- чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларга акциядорлик жамиятлари иқтисодий имкониятлари ҳақидаги маълумот билан таъминлаш.

Умуман корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантиришдан асосий мақсад бозор иқтисодиёти қонунларига биноан мулкни ҳақиқий мулк эгаси қўлига топшириш, мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, корхонани молиявий пул ресурсларини шакллантириш ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ночор, тўлов қобилияти пасайган, айланма маблағлари етарли бўлмаган, янги илғор технологиялар билан қайта қуролланиш учун маблағ танқислигига учраган корхоналарда акция чиқариб, уларни асосан ташқарига сотиш йўли билан янги молиявий ресурслари жалб этилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритиш субъектларини бошқаришда замонавий усуллардан фойдаланиш нафақат ҳозирги даврнинг, балки келажакнинг муҳим шартидир. Ҳозирда жаҳон амалиётида корпоратив муносабатларни тутган ўрни ҳамда уни тартибга солишнинг бой тажрибаси тўпланган. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корхона

менежменти тизимини шакллантириш ва шу орқали корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Эркин рақобат шароитида корхона менежменти моҳиятининг назарий асосларини тадқиқ этиш иқтисодиёт фанининг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

1.2. Корхона менежменти тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари

Тарихий нуқтаи назардан қаралса, Ўзбекистонда, яъни Туркистон ўлкасида инқилобга қадар тадбиркорлик уюшмалари мавжуд бўлган, масалан, пахтачилик, буюмсозлик, косибчилик ва шунга ўхшаш соҳалар. Ушбу соҳаларда корхона менежментини айрим элементлари бўлган бўлса ҳам, лекин ўша даврда бу соҳадаги жаҳон иқтисодиёти эришган тажрибалари кам эди.

Корхона тушунчасини кенг тарқалганлиги ҳозирги кунда корхона менежменти терминини кўп иқтисодий жараёнларга қўлланишлигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли “Корхона менежменти” тушунчасини ифодаланиши у ёки бу муаллифнинг тадқиқот соҳасига боғлиқдир. Бундан келиб чиқиб, бу тушунчага турлича ёндашувларни кўриб чиқиш илмий аҳамиятга эга. Корхона менежментига нисбатан менежмент психологияси нуқтаи назаридан ёндашув умумий анъаналар, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳамда корпоратив маданиятни таъминлайдиган хоссалар сифатида ҳам тушунилади.

Ўзбекистонда корхона менежменти асослари бозор ислохотларини амалга ошириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давридан шакллана бошлади.

Фойдаланилган адабиётларни назарий таҳлили асосида тадқиқот йўналишларини 1.1-жадвал кўринишида туркумланиши ушбу масала бўйича қуйидаги натижаларни аниқлашга имкон берди.

Корхоналарда корхона менежменти хусусиятларини илмий тадқиқ этишнинг эволюцион босқичлари

Босқичлар	Оралик даврлар	Тадқиқот олиб борган олимлар	Белгилари	Тадқиқот объектлари	Натижалари
I-босқич	1932-1980 йиллар	А.Берли, Г.Минза	Турли хил кўринишдаги мулкчилик шакллари иқтисодий самарадорлигига бағишланган бир неча эмпирик тадқиқотлар олиб борилган	Тадқиқотларнинг асосий қисми Инглиз-Америка мамлакатлари мисолида ўрганилган	Мулкчиликнинг турли хил кўринишлари ва шакллари бўйича хулосалар ишлаб чиқилган. Бу босқичдаги асосий муаммо деб мулкдорларнинг ўзаро ички зиддиятлари кўрсатилган
II-босқич	1980-1997 йиллар	С.Гроссман, О.Харт, Ж.Мур, Э.Маскин, Ж.Тироль	Корхона менежменти механизмлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган	Молия бозорлари, Кузатув кенгаши, акциядорларнинг ҳуқуқлари, стейкхолдерларнинг моҳияти ва вазифалари тадқиқ этилган	Корхона менежменти моделлари хусусиятлари бўйича алоҳида хулосалар ишлаб чиқилган. Корхона менежменти моделларига таъриф берилган
III-босқич	1997-1999 йиллар	Ла Порга, А.Шлейфер, Х.Демзец, Л.Беччук	Турли ҳуқуқий тизимларнинг корхона фаолиятига таъсири тўғрисидаги эмпирик тадқиқотлар натижалари таҳлил этилди	Турли ҳуқуқий тизимларнинг корхонага таъсири ўрганилди	Ҳуқуқий тизим- корхона менежментининг муҳим ташқи омилларидан бири эканлиги илмий жиҳатдан исботланди
IV-босқич	1999-2003	Р.Рэджен, Л.Зингалес, А.Радмгин, Р.Энгов	Корпоратив бошқарувга комплекс ёндашилди	Корхона менежменти сифатини баҳолашнинг ягона рейтинг тизимини яратиш тўғрисидаги илмий тадқиқотлар олиб борилди	Рейтинг тизимини жорий этиш орқали корхона менежментининг ички механизмларига таъсири ўрганилди

Тадқиқот натижаларига кўра корхоналарда корхона менежменти хусусиятларини илмий тадқиқ этишни тўрт йўналишга бўлдик. I- босқич 1932 йилларда америкалик олимлар А.Берли, Г.Минзалар томонидан турли хил мулк шакллари иқтисодий самарадорликка таъсири ўрганилган. Тадқиқот объектларининг асосий қисми Англия, АҚШ корхоналари мисолида олиб борилган. 1980 йиллардан С.Гроссман, О.Харт, Ж.Мур,

Ж.Тироль каби иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини асосан корхона менежменти механизмларини ўрганишга қаратишди.

Тадқиқот объекти сифатида молия бозорлари, корхоналарнинг кузатув кенгаши, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳамда стейкхолдерларнинг вазифалари тадқиқ этилган. Натижада корхона менежменти моделлари хусусиятлари бўйича алоҳида хулосалар ишлаб чиқилди. Улар томонидан корхона менежменти моделларига таъриф берилди. 1997-1999 йилларда Ла Порта, А.Шлейфер, Х.Демзец, Л.Бибчук каби олимлар турли ҳуқуқий тизимларни корхона фаолиятига таъсирини ўргандилар. Улар томонидан ҳуқуқий тизим корхона менежментининг муҳим ташқи омилларидан бири эканлиги илмий жиҳатдан исботланди. 1999-2000 йилларга келиб Р.Рэджен, Л.Зингалес, А.Радмгин, Р.Энговлар корхона менежментига комплекс ёндашувдан келиб чиққан ҳолда корхонада корхона менежменти сифатини баҳолашда рейтинг тизимини жорий этиш самарали эканлигини илмий асослаб бердилар⁵.

Улар томонидан корхоналар фаолиятида рейтинг тизимини жорий этиш ҳамда рейтинг натижаларига асосан корхона менежментининг ички механизмлари таҳлил этилди.

Мамлакат иқтисодиётида акциядорлик жамиятлари мавқеини ортиб бориши ва уларни бошқариш юзасидан мавжуд муаммоларни илмий тадқиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланди. Мамлакатимиз олимлари томонидан корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва бошқариш, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда ривожланишининг концептуал асосларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида пайдо бўлган акциядорлик жамиятлари ёки корхоналарни иқтисодий самарадорлигини оширишга тааллуқли турлича назарий қарашлар мавжуд. Бу иқтисодчи олимларнинг корхонага хос бўлган хусусиятларини турлича тушунишларидир.

⁵Старюк П.Ю, Полиенко В.И. Корпоративное управление и стоимость компании - М.: Академия, 2007. -183 с

Кенг тарқалган гипотезага асосланадиган бўлсак, корхона - бу жамоа тузилмаси, ташкилот, юридик шахс томонидан тан олинган бўлиб, қандайдир ижтимоий-фойдали фаолиятни амалга оширувчидир.

Бошқача қилиб таърифланганда, корхонани маълум юридик шахс мақомига эгалигидир⁶ Бундай ҳолда корхоналарга қуйидаги **хусусиятлар** хос:

- Юридик шахсни мавжудлиги;
- Бошқариш ва мулкчилик вазифаларини институционал тақсимоти;
- Мулкдорлар ва ёлланган бошқарувчиларнинг жамоа тартибида қарор қабул қилиши.

Шундай қилиб, корхона тушунчасига акциядорлик жамиятидан ташқари бошқа кўп юридик шахслар ҳам киритилиши мумкин. Масалан хўжалик бирлашмалари (концернлар, ассоциациялар, холдинглар), ишлаб чиқариш, жамоа, ижара корхоналари, шунингдек, давлат корхоналари, ташкилотлар ва бошқалар.

Корхона менежменти - ташкилий фаолият иштирокчиларининг ва манфаатдор шахсларнинг ўзаро муносабатлар ўрнатиши учун хизмат қилувчи муайян тизим бўлиб, унинг асосий мақсади амалдаги қонунчилик талабларига ҳамда жаҳон стандартларига мос равишда юритиладиган иқтисодий фаолият эвазига имкон қадар кўпроқ фойда олишга йўналтирилган.

Республикамизда ҳозирги даврда корхона менежментига ва уни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2004 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Акциядорлик жамиятлари ва компанияларида давлат акциялари улушидан самарали фойдаланиш учун мониторинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

⁶ Петров Ю. Реформа корпоративных институтов и создание социального рыночного хозяйства // Российский экономический журнал. - М.: 2005. - №4. - 61 с.

Корхона менежментининг самарали натижаси фақат бошқарувни яхши ташкил қилиниши билангина таъминланмайди. Корхона менежментининг самарали бўлиши, миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатига, институционал бошқарувни ташкил этиш даражасига, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилишига, давлатни бу йўналишда тутган сиёсатига ва менежерларнинг бошқарувни ташкил этиш салоҳиятларига ҳам боғлиқдир.

1.2-жадвал

Ўзбекистонда корхона менежменти тизимининг шаклланиш давлари

Бос-кичлар	Оралик давлари	Номланиши	Белгилари	Натижалари
1.	1990-1992 йиллар	Асосларни шакллантириш	Мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди	Корхона менежментининг назарий асосларини яратиш бўйича изланишлар
2.	1993-1995 йиллар	Мулкий муносабатларни ислоҳ этиш	Дастлабки акциядорлик жамиятлари ҳамда кичик ва хусусий корхоналар вужудга келтирилди	Корхона менежменти амалиёти корхона менежменти элементларининг вужудга келишини таъминлади
3.	1996-2002 йиллар	Корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистонда корхона менежменти тизимининг тўлақонли шаклланиши ҳал қилувчи босқичга кирди	Корхона менежменти ҳақида жамиятда тасаввур пайдо бўлди, мулкдорлар синфи шаклланиши, бизнес ривожланишида корпоратив тузилмаларнинг аҳамияти ошди
4.	2003-ҳозиргача	Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва ундан кейинги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши корхона менежментини такомиллаштиришга замин яратди	Давлатнинг корхона менежменти тизимини такомиллаштириш бўйича сазъ-ҳаракатларнинг натижалари яққол кўринди. Акциядорлик жамиятлари йириклаштирилди, кузатув кенгаши ваколатлари кенгайтирилди, корпоратив маслаҳатчи, аудитор хизмати институтлари жорий этилди ва ҳ.к.

Ҳақиқатда, биринчидан, корхона менежментининг Англо- америка моделида акциядорлик жамиятларини кўплиги билан тавсифланса, иккинчидан, корхона менежменти қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозорини корпоратив муносабатларга кучли таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Корхона менежментини Германия моделида эса аксарият очик акциядорлик жамиятларини камлиги, банкларни молиялаштиришнинг кучли таъсири, директорлар кенгаши томонидан назорат қилиниши, корпоратив назоратни сустиги билан тавсифланади⁷.

Корхона менежментининг Япон моделида акциядорлик жамиятларининг кўплиги ва корпоратив назоратнинг кучлилиги амалиётда ўрганилган. Демак, Ўзбекистон шароитида юқорида кўрсатилган моделларнинг тажрибада қайси биридан фойдаланиш фойдалироқ бўлиши мумкин деган саволга, Япон моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир деб хулосага келади.

Мазкур йўналишда иш олиб борган олимларимиздан бири А.Ҳашимов “Корхона менежментининг асосий мазмуни - акциядорлик жамиятининг фаолиятига жалб этилган турли шахслар манфаатларининг мувозанатини ўрнатишдан иборат”, - деган таърифни берган. Ўзбекистонда корхона менежменти тизимини ривожланиш босқичларини мамлакатимиз олимларидан Д.Суюнов таснифлаб, уларнинг белгилари, натижалари ва истиқболларини асослаб берди .

Акциядорлик жамиятларида корхона менежменти самарадорлигини ошириш мақсадида:

➤ маркетинг хизматини ахборот технологиялари ва интернет имкониятлари асосида ташкил этиб, унинг натижаларига асосланган ҳолда, ҳар бир маҳсулот тури бўйича ички ва ташқи бозор ҳолатига доимий баҳо бериб бориш;

➤ кадрларни тўғри танлаш ва улар малакасини ошириб бориш, меҳнат натижаларига қараб табақалаштирилган тарзда қўшимча моддий рағбатлантириб бориш механизминини тадбиқ қилиш;

⁷ Мансуров О.М. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқаруви. -Т.: Молия, 2008. - 142 б.

➤ самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, иқтисодий таҳлилга асосий эътибор бериб, кейинги фаолият йўналишини белгилашда муқобиллик тамойилларига риоя қилиб бориш лозим бўлади. Юқорида санаб ўтилган корхона менежменти тамойилларини амалиётга жорий этиш корхоналар самарадорлигини оширишда туртки бўлади.

1.3. Корхона менежментини ривожлантиришда хориж тажрибаси ва уларнинг таҳлили.

Корхона менежменти тизими амал қилаётган ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ҳолатга мос равишда турлича бўлади. Мамлакатда корхона менежментининг ривожланганлик даражаси акциядорларнинг ҳуқуқлари, уларнинг капитали ва акциядорлик жамиятларининг ривожланганлик ҳолати билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида корхона менежментининг Америка, Германия ва Япония моделларини кўриш мумкин. Бумоделларга мамлакатимизда корхона менежментини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган ёш олимларидан Д.Суюнов ўз фикр-мулоҳазаларини бериб ўтган. Жумладан, Америка моделининг асосида ҳар бир фуқарони шахсий бойликка эга бўлишлигини таъминлаш ётадиган бўлса, Германия моделининг асосида эса ҳар бир фуқаронинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи ётади.

Япония корхона менежменти модели Германия ва Америка моделлари орасидаги модель бўлиб, бунда иккала мамлакат бошқарув моделининг элементлари иштирок этади. Бу моделларнинг қиёсий таҳлили қуйидагича акс эттирилган. (1.4-расм). Корхона менежментининг Америка модели бевосита АҚШда акциядорлик мулкнинг тизим хусусиятларига боғлиқдир.

Америка компанияларида акциядорлик капиталлари маълум даражада тарқоқ бўлади. Американинг кўпчилик компанияларида акциядорларнинг

улушлари жами капиталнинг ҳаттоки 1% ни ҳам ташкил этмайди. Шунинг учун акциядорларнинг бирор гуруҳи жамият ва Директорлар Кенгаши ҳолатига кучли таъсир кўрсата олмайди. Америка моделининг яна бир хусусияти шундаки, унда жами капиталнинг асосий қисми, инвестиция институтлари, инвестиция фондлари, суғурта компанияларига тегишли бўлади, яъни уларнинг роли Америка компанияларида беқиёсдир. Умуман, Америка модели қонун-қоидаларига мувофиқ акциядорларнинг жамият бошқарувидаги ўрни маълум даражада келишилган бўлади.



1.4.-расм.Корхоналарнинг корпоратив бошқарув моделлари

Бунга кўра акциядорларга қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга рухсат берилади, яъни:

- корхонанинг низомига у ёки бу кўринишдаги ўзгартиришлар киритилишига акциядорларнинг овоз беришларида;
- директорларни сайлаш ва тайинлашда;

➤ компанияни қайта ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишда.

Америкада амалдаги меъёрий қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир компанияда Директорлар Кенгашида мажбурий равишда 3 та қўмита амал қилади ва бу қўмиталар фақатгина холис директорлардан ташкил топган бўлиши лозим.

Биринчи қўмита - аудит бўйича қўмита бўлиб, одатда у тафтиш комиссияси деб аталади.

Иккинчи қўмита - рағбатлантириш бўйича қўмита бўлиб, бу олий бошқарув ва Директорлар Кенгаши аъзолари учун тўловларни тавсия этади ва тасдиқлайди. У компаниянинг ҳисоботларини мажбурий равишда чоп этиши ва унда компания ишининг сифати ва менежерларни рағбатлантириш даражаси каби муҳим масалаларни ҳал этади.

Учинчи қўмита - бу Директорлар Кенгаши аъзоларини танлаш ва сайлаш масаласини ҳал этади.

Қўмиталар фаолияти тўғридан-тўғри компанияни бошқарув жараёни билан боғлиқ бўлмасада, аммо уларнинг ривож ва юксалиши учун ўта муҳимдир.

Республикамиздаги акциядорлик жамиятларининг фаолиятидан маълум бўлишича, хусусий секторни ва фонд бозорини ривожлантириш учун кенг қўламда маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик фаолиятини жаҳон стандартларига мос келадиган корпоратив усулда бошқаришни тақозо этади. Зеро, корхона менежменти самарадорлиги бугунги кунда жаҳон тажрибасидан яхши маълум. Қолаверса, корхона менежменти тамойилларига қатъий амал қилиш муҳим инвестицион қарорлар қабул қилиш чоғида эътиборга олинishi керак бўлган омиллардан бири саналади.

Республикамизда корхона менежменти қўламини кенгайтириш ва акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи уюшмани барпо этиш;
- акциядорлик жамиятларига тааллуқли ахборотлар бўйича республика миқёсида ягона вебсайт тузиш;
- акциядорлик жамиятларида корхона менежментининг сифатини баҳолашнинг ягона рейтинг тизимини жорий этиш;
- акциядорлик жамиятлари ижрочи органлари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, бошқарув компанияларининг корхона менежментига маъсул шахсларини малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган таклифларни муваффақиятли амалга ошириш акциядорлик жамиятларидаги корхона менежменти сифат даражасини оширишга кўмаклашади ва инвестор(акциядор)ларни мамлакат, корхона иқтисодий фаолиятига жалб этишга ижобий таъсир этади.

2-БОБ. “КИМУОНИМОУАТА’МИНОТ” ҚК МЧЖ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Корхонанинг қисқача тавсифи ва асосий иқтисодий-техник кўрсаткичлари

«КИМУОНИМОУАТА’МИНОТ» ўзбек-озарбойжон-россия кўшма корхонаси 1996 йил 20 март Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Устав фонди 3 млрд. сўмдан ортиқ.

Фаолият юритишни бошлаган дастлабки кунлардан бошлаб ўзининг кучларини янги технология ва ускуналар билан таъминланган кучли моддий-техник базага, юқори кадрлар салоҳиятига эга бўлган самарали фаолият юритадиган кўп йўналишли замонавий, компанияни яратишга йўналтирган.

Бу йўлда анча нарсага эга бўлишга эришилди, бунга йилдан йилга кенгайиб бораётган халқаро ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. МДҲ ва узоқ чет давлатларидан импорт қилинадиган юқори сифатли, сертификатланган материалларни металлургия, нефтегаз ва кимёвий ишлаб чиқариш йирик корхоналар объектларида антикоррозия, кимёвий химоя, иссиқ ўтказувчи, гуммировик, ёнғин хавфсизлиги, қурилиш ва механик монтаж ишларини бажариш соҳаларига ихтисослашган.

Шу билан бир қаторда ўз материалларидан фойдаланган ҳолда, доимий миждозлар ва потенциал буюртмачилар учун кўрсатилаётган хизматларга бўлган нархлар қониқарли даражада.

«КИМУОНИМОУАТА’МИНОТ» кўшма корхонаси фаолиятининг барқарор ва муваффақиятлилигини таъминловчи асосий куч бу корхона мутахассислари ва юқори малакали ишчилар ҳисобланади.

Махсус тайёргарлик ва тегишли техник билимларни, шунингдек, катта меҳнат тажрибасига эга бўлиб, шунингдек, мураккаб вазиятларда улар юқори савияда турли ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга қодир.

Ўзбекистон бозорида мувафакқиятли фаолият юритувчи «KIMYONIMOYATA'MINOT» қўшма корхонаси қурилиш, механик-монтаж, кимёхимоя, антикоррозия, пусктаъминот ва бошқа ишларни халқ хўжалиги соҳаларининг етакчи йирик корхоналар шартномалари бўйича бажаради.

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚК «Фарғонаазот» ОАЖ билан узоқ ва яқин ҳамкорлик қилади, антикоррозия ва кимёхимоя ишларини олиб боради.

Унинг ҳамкорлигида аммиак селитра ва азот кислотани ишлаб чиқариш бўйича қурилиш ишлаб чиқариш участкаси тугалланган, пахта целлюлозани Фарғона фуран қўшимчалар кимё заводида ишлаб чиқарувчи участка - хлорит натрий ва хлорат магний дефолиант ишлаб чиқариш бўйича цех реконструкция қилинган.

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚК шунингдек, «Шўртаннефтгаз» (Қарши ш.) билан яқин ҳамкорлик қилади, бўлимларида антикоррозия ва кимёхимоя ишларини амалга оширади. Бу ишларнинг катта ҳажми Бекободдаги «Ўзметкомбинат» да бажарилади.

Бундан ташқари «KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚК мутахассислари Қўнғирот сода заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан самарали ҳамкорлик қилишда тажрибага эга.

Улар шунингдек, «Мустақиллик» майдонидаги Сенат биносини реконструкция қилиш ишларида ҳам қатнашишган.

“Самарқандкимё” ОАЖда чет инвестицияларини жалб қилиш лойиҳаларида, механик монтаж ва антикоррозия ишлари олиб борилган. Жумладан, газ йўллари бўйича диаметри 4,5 метр ва узунлиги 125 метр бўлган трубада.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти №677 27.07.2007й. “2007-2011йиллар кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуруланиш дастури” тўғрисидаги фармойишига асосан нитрокальций-фосфат қўшимчаларини ишлаб чиқариш бўйича бир йилда 250 минг тонна қувватга эга бўлган заводнинг реконструкция ишлари

тугаланган. «Кимёхимоятаъминот» ҚК бу умумий ишга анчагина хисса кўшди.

Тошкентнинг 2200 йиллиги йилида “Сувсоз” трести давлат унитар корхонаси реконструкция ва тараққиёт Европа банкининг кредитидан фойдаланган ҳолда, «Andritz Technologies Ltd» Австрия фирмасининг Хитой филиали ҳамкорлигида пойтахтни ичимлик суви билан таъминлайдиган муҳим халқ хўжалиги ва ижтимоий объекти – Қодирий сув омборини реконструкциясини амалга оширган.

Насос ускуналарини алмаштириш ишларига, республика корхоналарининг имкониятларини яхшилаб ўргангандан кейин «КИМУОНИМОУАТА’МИНОТ» ҚКси жалб қилинди.

Қўшма корхонанинг асосий хизмат тури умумқурилиш ишлари ҳисобланади. Қўшма корхона фаолиятининг асосий турлари:

- қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш;
- республика ҳудудида юкларни ташиш;
- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқалар.

Шунинг билан биргаликда қўшма корхона корхона ноанаънавий қурилиш объектларини қурилишида субпудратчи сифатида бажарилиши қийин ва хавфи юқори бўлган хизмат турларини кўрсатиб келмоқда.

Бу хизматлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- кимёхимоя, антикоррозия, иссиқлик изоляцияси, оловдан химояланишни тақозо этадиган объектлар қурилиши;
- баландликда саноат алпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолияти;
- хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенцияо хавфли ишлаб чиқаришларни қуриш фаолияти билан шуғулланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №000824 сонли лицензиясига эга.

Шу вақтга қадар қўшма корхона ўзининг ишончли хизмат турларини тақдим этиш орқали қурилиш бозорида ўз обрўсига ва буюртмачиларнинг ишончига сазовор бўлди.

Ўзбекистондаги фаолияти давомида қуйидаги йирик саноат бинолари яъни завод ва фабрикалар қурилишида иштирок этди:

➤ Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган "Қўнғирот Сода Заводи"

- Фарғона шаҳридаги "Фарғонаазот" ОАЖ
- Бухоро Нефтни қайта ишлаш заводи (Қоравулбозор шаҳри)
- "Самарқандкимё" ОАЖ (Самарқанд шаҳри)
- "Ўзметкомбинат" (Бекобод шаҳри)
- "Мустақиллик майдонидаги Сенат биноси" (Тошкент шаҳри)
- "Тўйтепа Металл Қурилмалари" ОАЖ (Тошкент вилояти)
- "Енгил Металл Қурилмалари Заводи" ОАЖ (Тошкент шаҳри)

Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қатнашчиларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи бош директор ҳисобланади.

Жамиятнинг ижроия органи бўлиб яккабошчилик асосида фаолият юритувчи бош директор ҳисобланади.

МЧЖ ҳиссадорларининг овоз бериши ва танлови асосида беш йилга сайланади ва қўшма корхонанинг фаолиятини юргизади. Ҳар йилда бир маротаба жамият ҳиссадорлари учун ҳисобот беради. Жамиятда кузатув кенгаши кўзда тутилмаган.

Бош директор доимий ва вақтинчалик меҳнат қилаётган ходимларни, уларнинг сони, ташкилий таркибини жамият фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларига мувофиқ мустақил белгилайди.

Жамият қатнашчиларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

«КИМУНИМОУАТА'МИНОТ» ҚҚ МЧЖнинг ташкилий тузилмаси



Жамият фаолиятининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқоро ва саноат қурилиш объектларида қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- Халқ истеъмоли, саноат моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Аҳолига ва юридик шахсларга транспорт, экспидиторлик хизматини кўрсатиш;
- Фуқоролар, ташкилотлар, корхоналар, фирмаларга турли хилдаги пуллик хизматларни кўрсатиш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш;

➤ Қонунчилик нормаларига зид бўлмаган ва тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

Жамиятнинг устав фонди қатнашчиларининг ва жамиятга қабул қилинадиган шахсларнинг номинал қийматдаги улушларидан ташкил топади.

Жамият устав фондининг миқдори **4600000 (Тўрт миллион олти юз минг)** АҚШ долларини ёки Устав фонди миқдори белгиланган кунда амалда бўлган Марказиу Банкнинг АҚШ долларининг сўмга нисбатан расмий курсига кўра сўмни ташкил қилади ва у қатнашчилар ўртасида кўйидагича тақсимланади:

Ўзбекистон томонидан: 276920 (Икки юз етмуш олти минг тўққиз юз йигирма) АҚШ доллари ёки Устав фондининг 6.02 фоизи.

Озорбойжон томонидан: 4 291 800 (Тўрт миллион икки юз тўқсон бир минг саккиз юз) АҚШ доллари ёки Устав фондининг 93.3 фоизи.

Россия Федерацияси томонидан: 31 280 (Ўттиз бир минг икки юз саксон) АҚШ доллари ёки Устав фондининг 0.68 фоизи.


2.1.2-жадвал.

Корхонанинг устав капитали улуши

ҚКнинг таъсисчи давлатлари	АҚШ доллари	Устав фонди (%)
Ўзбекистон	276920	6.02
Озорбойжон	4291800	93.3
Россия	31280	0.68

2.1.1-жадвалдаги жадвалда кўриниб турибдики, устав капиталининг, асосий улуши Озорбойжон мамлакатига тўғри келмоқда ва улар дастлабки устав капиталининг 93.3 фоизини ташкил қилган ҳолда, 4291800 (Тўрт миллион икки юз тўқсон бир минг саккиз юз) **АҚШ** долларини ташкил

қилган ҳолда масъулияти чекланган жамиятининг бошқарув фаолиятини ўз зиммасига олган.



2.1.1-расм. Корхонанинг устав капитали улуши

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий яқун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Даромадлар ва харажаталар элементлари қуйидагича аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий яқун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Даромадлар ва харажаталар элементлари қуйидагича аниқланади.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг катнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек , катнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

2.2. «КИМУНИМОУАТА’МИНОТ» ҚК молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари таҳлили

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган “КИМЎҲИМОУАТА’МИНОТ” кўшма корхонасида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 502118 минг сўмга соф фойдаси ошган. Соф фойданунг ошишига асосан маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ўтган йилгига нисбатан 488438 минг сўмга ва 0.57% га ортиши асосий ишлаб чиқариш фаолиятида ялпи молиявий натижаси ўтган йилгига нисбатан 807535 минг сўмга ва 0,48% га ортиши умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси ўтган йилгига нисбатан 467878 минг сўмга ортиши. Ҳамда даромад солиғи тўланганга қадар фойда ўтган йилгига нисбатан 467878 минг сўмга ортиши тасир қилган ушбу омиллар корхонанинг давир харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажат ўтган йилгига нисбатан 319097 минг сўмга камайганини ҳамда даромаддан солиқ ва бошқа солиқлар ўтган йилгига нисбатан 34240 минг сўмга камайганини

хам қоплаб юбориди . Демак корхона соф фойдаси ошганлиги сабабли Хулосамиз ижобий.

2.2.1-жадвал

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚҚмолиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи,%	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи,%	Сумма, минг сўм	% да
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	1185529	2,265172803	1673967	1,688742831	488438	-0,57643
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	819235	1,565300456	500138	0,504552887	-319097	-1,06075
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	366294	0,699872347	1173828	1,184189944	807535	0,484318
4. Умумҳўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	523372	1	991250	1	467878	0
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	0	0	0	0	0	0
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	523372		991250		467878	
7. Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	432038	0,825488663	397798	0,401309518	-34240	-0,42418
8.. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	91334	0,174511337	593452	0,598690482	502118	0,424179

2.2.2-жадвал

**«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚКСоф фойда ва унинг ўзгаришига
таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	ўтган йили	ҳисобот йили	фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	1185529	1673967	488438
2. Давр харажатлари	883436	558951	-324486
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	64201	58813	-5389
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	157079	-182578	-339657
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	0	0	0
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	432038	397798	-34240
Жорий йилнинг соф фойдаси	91334	593452	502118

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган «КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ» кўшма корхонасида ҳисобот даврида соф фойда жами ўтган йилга нисбатан 593452 минг сўмга кўпайган. Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг ошишига асосан давр харажатларининг камайганлиги ҳамда фойдадан тўланган солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан 397798 минг сўмга камайганлиги сабаб бўлган. Масалан, маҳсулот (иш ва хизматлар) ни сотишдан олган ялпи фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан 488439 минг сўмга ошиши соф фойда суммасининг шунча

ўзгартиришига олиб келган. Давр харажатлари асосий фаолиятнинг бошқа жамғармаларидан олган суммасининг фовқулодда зарарлар суммасининг, фойдадн солиқлар суммасининг ўтган йилгига нисбатан камайиш натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 502118 минг сўмга ошган. Жадвалга хулоса ижобий.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ахборотларнинг маълумотлари асосида ўрганиб, мавжуд молиявий имкониятларни аниқлаш ва молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш усули молиявий таҳлил деб аталади.

Молиявий таҳлилнинг, асосий мақсади бўлиб, корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини, молиявий барқарорлик даражасини, тўловга кодирлик аҳволини, ўз ва қарз маблағлари билан таъминланиш даражасини, молиявий мустақиллик аҳволини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг муайян даврга бўлган ҳолатини ўрганиш асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш ва уни яхшилаш имкониятларини кўрсатиш ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан молиявий ҳолат таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб, куйидагилар ҳисобланади:

- Корхонанинг активлари, капитали, мажбуриятлари ҳолатини аниқлаш ва ўзгаришига баҳо бериш;
- Молиявий аҳволнинг барқарорлигини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;
- Баланс ликвидлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш;
- Корхонанинг тўлов лаёқати коэффицентини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;
- Молиявий коэффицентларни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш.
- Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб,

қуйидаги ахборотлар ҳисобланади:

- Бухгалтерия баланси (1-шакл);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл);
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл);
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл);
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома (2а-шакл).

Бухгалтерия баланси асосида корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари бўйича умумий молиявий аҳволини таҳлил қилиш

Бухгалтерия баланси корхонанинг мулки, капитали ва мажбуриятлар ҳажмини маълум санага акс эттирувчи махсус жадвалдир. У икки қисмдан иборат бўлиб, унинг актив қисмида корхонанинг асосий ва айланма маблағлари (мулки), пассив қисмида капитали ва мажбуриятлари акс эттирилади. Баланс актив ва пассив томонлари ўзаро тенг бўлади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бухгалтерия баланси — нетто моддалари асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия баланси активидаги моддалар «Маблағларни пул шаклига айланиш тезлиги (ликвидлик даражаси)» белгиси бўйича, пассивидаги моддалар эса «Мажбуриятларнинг тўлов муддати даражаси» белгиси бўйича махсус гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Буни қуйидаги баланс шаклидан кўриш мумкин:

Бухгалтерия баланси асосида биринчи навбатда корхонанинг умумий молиявий ҳолатига баҳо берилади. Бунинг учун корхонанинг мулки (активлари), капитали ва мажбуриятлари (пассивлари)ни таркиби ва таркибий тўзилиш ҳамда уларнинг ўзгариши таҳлил қилинади. Таҳлилда горизонтал ва вертикал усуллардан фойдаланилади. Таҳлилда корхона активлари ва пассивлари, улардаги умумий ва таркибий ўзгаришлар балансинг ҳар қайси томон бўйича алоҳида ўрганилади.

2.2.3-жадвал

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚКакционерлик жамиятининг бухгалтерия балансини актив

моддаларининг таҳлили

№	Балансинг актив моддалари	2012 йил		2013 йил		2014 йил		Фарқи (+,-)		Ўсиш суръати	
		сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	2012 йилга нибатан	2013 йилга нисбатан	2012 йилга нибатан	2013 йилга нисбатан
1	Узоқ муддатли активлар	4633796,9	24,1177	4738522,7	21,711	4715951,2	22,018	82154,3	-22571,5	101,8	99,5
2	Жорий активлар	14579433	75,8823	17086863,8	78,289	16702811,6	77,982	2123379	-384052	114,6	97,8
	Шу жумладан:										
а	Товар моддий захиралар	9337535,4	48,5995	10810750,4	49,533	11139118,1	52,006	1801583	328368	119,3	103,0
б	Пул маблағлари	193046,1	1,00476	351698,4	1,6114	683791,6	3,1925	490745,5	332093	354,2	194,4
к	Келгуси давр харажатлари	400	0,00208	4500,3	0,0206	473803,5	2,2121	473403,5	469303	0,0	10528,3
д	Дебиторлик қарзлари	4627301,5	1098,73	5498764,7	25,194	3984948,4	18,605	-642353	-1513816	86,1	72,5
е	Қисқа муддатли инвестициялар	421150	2,19198	421150	1,9296	421150	1,9663	0	0	100,0	100,0
	Баланс жами	19213229, 9	100	21825386,5	100	21418762,8	100	2205533	-406624	111,5	98,1

2.2.4-жадвал

**«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚКакционерлик жамиятининг бухгалтерия балансини пассив
моддаларининг таҳлили**

	Балансининг пассив моддалари	2012 йил		2013 йил		2014 йил		Фарқи (+,-)		Ўсиш суръати	
		сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	2012 йилга нибатан	2013 йилга нисбатан	2012 йилга нибатан	2013 йилга нисбатан
1	Ўз маблағлари манбалари	9065010,1	47,1811	5550967	25,434	13352578,8	62,341	4287569	7801612	147,3	240,5
2	Мажбуриятлар	10148219,8	52,8189	16274419	74,566	8066184	37,659	2082036	-8208235	79,5	49,6
	Шу жумладан:							0	0		
а	Узоқ муддатли мажбуриятлар		0	550000	2,52		0	0	-550000		0,0
б	Жорий мажбуриятлар	10148219,8	52,8189	15724419	72,046	8066184	37,659	2082036	-7658235	79,5	51,3
	Баланс жами	19213229,9	100	21825386	100	21418762,8	100	2205533	-406623	111,5	98,1

2.2.5-жадвал

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚК корхонанинг тўлов қобилиятини таҳлили

Тўлаш учун маблағлар	Сатр рақами	Ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм	Тўлов қарзлари	Сатр рақами	Ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1. Пул маблағлари, яъни кассадаги ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	330+340	29903	1. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (қарзлар)	610	2927750
2. Валюта маблағлари	350	653743	2. Бюджетга тўловлар бўйича қарзлари	680	252281
3. Қисқа муддатли инвестициялар, бошқа пул маблағлари ва жорий активлар	360+380	145	3. солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	650	0
4. Тайёр маҳсулот	170	0	4. Мулкый ва шахсий сугурта бўйича қарзлари	700	193
5. Дебиторлик қарзлари	210	3984948	5. Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	690	15003
			7. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	720	509797
			8. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	730+740	685372
			9. Бошқа жорий мажбуриятлар	760	1094877
Жами тўлаш учун маблағлар	xxx	4668740	Жами тўлов қарзлари	xxx	5485272
Қарз тўлов мажбуриятларнинг кўплиги	xxx	0	Тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг кўплиги (ортиқчалилиги)	xxx	-816532
Баланс	xxx	4668740	Баланс	xxx	4668740

2.2.6-жадвал

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚКҚорхонанинг тўлов қобилияти (ликвидлилиги)ни таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Пул маблағлари	351698	683792	332093,2
2	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	421150	421150	0
3	Дебиторлик қарзлари	5498765	3984948	-1513816,3
4	Товар-моддий захиралар	335368		-335368
5	Қисқа муддатли мажбуриятлар	10810750	11139118	328367,7
6	Мутлоқ ликвидлилик коэффиценти	0	0	0,027705834
7	Оралик ликвидлилик коэффиценти	1	0	-0,123189126
8	Умумий ликвидлилик коэффиценти	92419708	51312111	-41107597,33
9	Қисқа муддатли мажбуриятларда захира ва харажатларнинг тутган улуши, %	0	0	-0,031021713

2.2.7-жадвал

**«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚҚБалансактиввапассивмоддаларинингхаракатчанлигини
(ликвидлигини) таҳлили**

Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига	Тўлаш учун маблағларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-)	
						йил бошига	йил охирига
1	2	3	4	5	6	7=2-5	8=3-6
1. Доимий харакатдаги активлар	772848	1104942	1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари	13931214	7380812	-13158366	-6275870
2. Тез сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	5498765	3984948	2. Қисқа муддатли пассивлар	1793205	685372	3705560	3299576
3. Секин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	10810750	11139118	3. Узоқ муддатли пассивлар	550000	0	10260750	11139118
4. Қийин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	4738523	4715951	4. Доимий пассивлар	5550967	13352579	-812445	-8636628
БАЛАНС	21820886	20944959	БАЛАНС	21825387	21418763		

«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚКДавр харажатлари таҳлили

	Кўрсаткичлар	Утган йил		Ҳисобот йили		Фарқи	
		Сумма, минг сўм	Салмоғи, фоиз	Сумма, минг сўм	Салмоғи, фоиз	Сумма, минг сўм	Салмоғи, фоиз
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Сотиш харажатлари	0	0	1100	0,196797	1100	0
2	Маъмурий харажатлар	533163	60,35103	374614	67,02088	-158549	7
3	Бошка умумхужалик харажатлари	350273	39,64897	183237	32,78232	-167036	-7
	Жами давр харажатлари	883436	100	558951	100	-324486	0

2.2.9-жадвал

**«KIMYONIMOYATA'MINOT» ҚҚРентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи
омиллар таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	ўтган йили	ҳисобот йили	фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	8453954	8228125	-225828
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	7268425	6554159	-714266
3	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	1185529	1673967	488438
4	Соф фойда, минг сўм	91334	593452	502118
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	1896437	1802180	-94257
6	Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	17086864	16702812	-384052
7	Корхонанинг жами мулки, минг сўм	21825387	21418763	-406624
8	Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	5550967	13352579	7801611
9	Қарз маблағлари, минг сўм	15724419	8066184	-7658235
10	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	14,0233642	20,3444461	6
11	Асосий воситалар рентабеллиги, %	4,81610439	32,9296759	28
12	Оборот маблағлари рентабеллиги, %	0,53452992	3,55300661	3
13	Мол-мулк рентабеллиги, %	0,41847781	2,77071092	2
14	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	1,64537807	4,4444748	3
15	Қарз маблағлари рентабеллиги, %	0,58084435	7,3572832	7
16	Умумий рентабеллик, %	0,48113023	3,20698337	3
17	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %	1,25659137	9,05458698	8

Жадвалларга хулосалар:

2.2.3-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” қўшма корхонасида жорий даврда жами актив суммаси 2012-йилга нисбатан 2205533 минг сўмга ёки 111,15% га кўпайган. 2013-йилга нисбатан 406624 минг сўмга камайган. Корхонанинг узок муддатли активлари ҳам ўтган йилга нисбатан 82154,3 минг сўмга ошган. Жорий активларни таркибий ўзганадиган бўлсак,, жорий йил охирида йил бошига нисбатан Товар моддий захиралари 119,3% га кўпайган яъни бу 18011583 минг сўмни ташкил этади. Дебиторлик қарзлари ҳам йил охирига келиб, 642353 минг сўм камайгани ижобий таъсир кўрсатган. Чунки дебиторлик қарзлари камайганлиги корхонага ижобий таъсир кўрсатган. Демак, корхона актив моддаларининг жорий йилда ошганлиги ижобий таъсир кўрсатган.

2.2.4-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” қўшма корхонасида ўз манбалари 2013-йилда 2012-йилга нисбатан 7801612 сўмга ошган , яъни ўсиш суръатини фарқи 240,5 ўсиш суръати ошган. Мажбуриятлар 2-13-йилда 2012-йилга нисбатан 8208235 минг сўмга камайган, 2012-йилга нисбатан 2-13-йилда 49,6% га ўсиш суръати камайган. Узок муддастли мажбуриятларда эса 2-13-йилда 2012-йилга нисбатан 55000 минг сўмга камайган , бунда ўсиш суръати ўзгармаган.

Жорий мажбуриятлар 2012-йилга нисбатан 2013-йилда 7658235 минг сўмга камайган, яъни ўсиш суръатида 51,3% бўлган, бунда ўсиш суръати камайган.

Баланс жамига 2012-йилга нисбатан 2013-йилда 406623 минг сўмга камайган, яъни ўсиш суръати 98,1% га камайган. Бундан кўриниб турибдики,, баланс 100% бўлмаган. Жадвалга умумий хулоса ижобий.

Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришда баланс маълумотлари асосида нисбий кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлади, чунки улар асосида молиявий ҳолатни яхшилаш имкониятлари

аниқланади. Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришда мутлақ кўрсаткичларга караганда нисбий кўрсаткичлар кенг қўлланилади. Нисбий кўрсаткичлар амалиётда молиявий коэффицентлар деб аталади. Молиявий коэффицентларни ҳисоблашда мутлақ кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона молиявий аҳволига баҳо беришда қуйидаги молиявий коэффицентлар кўпроқ ишлатилади:

- Молиявий мустақиллик коэффиценти;
- Тўловга қодирлик коэффиценти;
- Ўз ва қарз маблағларининг ўзаро нисбати коэффиценти;
- Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффиценти;
- Моддий айланма маблағлар ҳиссаси коэффиценти.

Жами айланма маблағларнинг жами мулк қийматидаги ҳиссаси коэффиценти.

2.2.5-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” қўшма корхонасида пул маблағлари корхонада йил бошига нисбатан йил охиридаги фарқи 332093,2 минг сўмга кўпайган. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар эса йил бошига нисбатан йил охиридаги суммаси ўзгармаган. Дебиторли қарзлари бўлса, корхонада йил бошига нисбатан йил охири фарқи 1513816,3 минг сўмга камайган. Қисқа муддатли мажбуриятлар эса йил бошига нисбатан йил охири фарқи 1513816,3 минг сўмга камайган. Товар моддий захиралар эса йил бошига нисбатан йил охирига фарқи 335368 минг сўмга камайган. Қисқа муддатли мажбуриятлар эса йил бошига нисбатан йил охирида 328367,7 минг сўмга ошган. Мутлақ ликвидлилик коэффиценти йил бошига нисбатан йил охирига фарқи 0.027705834 минг сўмга ошган. Оралиқ ликвидлилик коэффиценти йил бошига нисбатан йил охирига фарқи 0,123189126 минг сўмга камайган. Қисқа муддатли мажбуриятларда захира ва харажатларнинг утган улуши % йил бошига нисбатан йил охиридаги фарқи 0,031021713 минг сўмга камайган.

2.2.6-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” кўшма корхона доимий харакадаги активлар тўлаш учун маблағлар йил бошига 13152366 минг сўм , йил охирига нисбатан эса 6275870 минг сўм етишмаслиги аниқланган. Тез сотлувчи активлар эса йил бошига нисбатан 3705560 минг сўм, 3299576 минг сўм йил охирига тўлаш учун маблағлар етарли. Секин сотилувчи активларнинг тўлаш учун маблағлар етарлилиги йил бошига 3705560 минг сўмни, йил охирига эса 11139118 минг сўмни ташкил қилади. Қийин сотилувчи активларни тўлаш учун маблағлар етишмаслиги аниқланган бўлиб, бу йил бошига 812445 минг сўмни, йил охирига 8636628 минг сўмни ташкил қилади. Жадвалга умумий хулоса ижобий.

2.2.7-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб туриптики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” кўшма корхона жами давир харажатлари ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилида 3424486 минг сўмга камайган. Бунга таъсир этувчи омиллар куйидагилар ; Жумладан сотиш харажатлари ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилида 1100 мингб сўмга ошган. Маъмурий харажатлар ўтган йилгига қараганда ҳисобот йилида 158549 минг сўмга ошган. Бошқа умумхўжалик харажатларида эса ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилида 1677036 минг сўмга , фоиз ҳисобида 7%ни ташкил этади. Бошқа умумхўжалик харажатларида эҳа ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилида 167036 минг сўмга , фоиз ҳисобида 7 %га камайганини кўриш мумкун. Харажатлар камайганлиги сабабли жадвалга умумий хулоса ижобий.

2.2.8-жадвалга хулоса. Жадвал маълумотларидан кўриниб туриптики, биз таҳлил қилаётган “КИМЁҲИМОЯТАЪМИНОТ” кўшма корхона ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилда ўз маблағлари манбаи 7801611 минг сўмга ошган унинг ошишга маҳсулотлар сотишда олинган ялпи фойда 488438 минг сўмга вас оф фойданинг 502118 минг сўмга ошиши сабаб бўлган қарз маблағлари эса ўтган йилгига нисбатан ҳисобот йилда 7658235 минг сўмга камайган унинг камайишига сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш

таннархинни 714266 минг сўмга камайиши ижобий таъсир кўрсатган. Хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиш рентабиллиги 6% га асосий воситалар рентабиллиги 28% га обарот маблағлари рентабиллиги 3% га мол –мулк рентабиллиги 2% ўз маблағлари рентабиллиги 3% қарз маблағлари рентабиллиги 7% умумий рентабиллиги 3% ишлаб чиқариш таннарх рентабиллиги 8% ошган. Корхонанинг маҳсулот сотишдан олган соф тушум 225828 минг сўмга камайган бўлса ҳам соф фойданинг ошиши рентабиллиги корсаткичлари ошишга ижобий таъсир корсатган. Жадвалга умумий ҳулоса илобий.

3-БОБ. КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОРХОНА МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Корхона менежменти моделлари ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари.

Жаҳон амалиётида мавжуд бўлган корхона менежменти моделларини ўрганишдан мақсад Ўзбекистон учун энг мақбул моделни яратишдир. Чунки янги технологиялар ва замонавий бошқарув усулларидан фойдаланиш иқтисодиётнинг глобаллашувида корхоналарнинг самардорлигини ошириш, кучли рақобат курашишида жон сақлашига замин яратади.

Шулардан келиб чиқиб акциядорлик жамиятларида хусусийлаштириш жараёнларини сифатли олиб бориш, хусусийлашган корхоналарни ривожланган мамлакатлар бой тажрибисига таянган ҳолда мамлакатимиз миллий хусусиятларини эътиборга олиб замонавий бошқарув усулларини қўллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Корхона менежменти моделларининг қиёсий хусусиятларини мамлакатимиз олимларидан О.Б.Мансуров 3.1-жадвалдаги кўринишда кўрсатиб ўтган. Ушбу таҳлил қилинган моделларнинг кучли ва кучсиз томонларини қуйидагича таърифлаган.

Америка моделининг камчилиги инвесторларнинг қисқа муддатли манфаатларига ортиқча йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Германия ва Япония моделларида банкларни ўзаро қарама- қарши жараёнларини кузатиш мумкин. Хусусан, банклар ҳам акциядор ҳам кредитор сифатида намоён бўлиб, манфаатлар ўзаро тўқнаш келиб қолади. Германия ва Япония моделларида давлатнинг роли, уларда рақобат эркинлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу моделларни ўрганган олимларнинг фикрича “...корпоратив тузилмаларнинг замирида рақобатни жиддий чеклашлар мавжуд бўлиб, бу пировард натижада самарадорлик бой берилишига олибкелади.

3.1-жадвал

Корхона менежменти моделларининг қиёсий хусусиятлари

Моделларнинг хусусиятлари	Инглиз-Америка модели	Германия модели	Япон модели
Ижтимоий кадриятлар тизими	Шахсиятпарастлик, танлов эркинлиги	Ижтимоий ҳамкорлик	Ҳамкорлик ва ишонч
Меҳнат жамосининг роли	Пассив	Фаол	Фаол қатнашув
Молиялаштиришнинг асосий усули	Фонд бозори	Банклар	Банклар
Ахборотлардаги номуаносиблик	Менежмент	Менежмент	Бош банк
Инвестициялаш муддати	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли	Узоқ муддатли
Капиталнинг қиймати	Юқори	Урта	Паст
Капитал бозори	Юқори ликвидитли	Ликвидитли	Нисбатан ликвидитли
Асосий иқтисодий бирлик (йирик бизнес учун)	Компания	Холдинг	Молия-саноат гуруҳи
Менежментни тақдирлаш	Юқори	Урта	Паст
Акциядорлик капиталининг тузилмаси	Тарқалган	Кучли жамланган	Жамланган

Америка моделининг камчилиги инвесторларнинг қисқа муддатли манфаатларига ортиқча йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Германия ва Япония моделларида банкларни ўзаро қарама- қарши жараёнларини кузатиш мумкин. Хусусан, банклар ҳам акциядор ҳам кредитор сифатида намоён бўлиб, манфаатлар ўзаро тўқнаш келиб қолади. Германия ва Япония моделларида давлатнинг роли, уларда рақобат эркинлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу моделларни ўрганган олимларнинг фикрича “...корпоратив тузилмаларнинг замирида рақобатни

жиддий чеклашлар мавжуд бўлиб, бу пировард натижада самарадорлик бой берилишига олибкелади.

Булар иқтисодий энди ривожланиши сари бораётган даврда ижобий ҳолатга эга, бироқ мамлакат ривожланишининг юқори босқичига яқинлашган сайин уларнинг самарадорлиги пасаяди. Утган аср охирларида уларнинг иккаласида бу нарса яққол намоён бўлиб, ривожланиш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Америка модели анча очик бўлиб, у ривожланишда рақобатга имконият беради. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу модел иқтисодий демократияни юқори бўлиши ва жамиятнинг кўпроқ очик бўлишини талаб этади.

Корпоратив бошқариш кенг тус олган бўлсада, унинг мазмун- моҳияти ва потенциал имкониятлари ҳамон сирлигича қолмоқда. Шу боис, мазкур масалани атрофлича ўрганиш иқтисодий жиҳатдан юксалган ва эндигина ривожланаётган давлатлар учун бирдек муҳимдир.

Ҳар қандай жамиятда бошқарув тизимининг мақсади, характери ва функциялари шу жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий қонунлари асосида аниқланиб келинган. Лекин рақобатли бозор муносабатлари шароитида эса бошқарувнинг табиати бутунлай ўзгариб кетади. Чунки барча моддий, техник, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланилган ҳолда иқтисодий самарадорликка эришиш, меҳнат қилаётган жамоанинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шу билан бирга давлатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган бўлиши керак.

Вужудга келаётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ва уларни ижобий ҳал этишда хўжалик юритувчи иқтисодий субъектлар фаолиятида мавжуд омиллар қатори, замонавий бошқарув усулларни қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз учун мазкур вазифанинг аҳамиятини яна шу билан изоҳлаш лозимки, ички ва ташқи инвестицияларнинг киришини талаб этадиган таркибий ўзгаришларни амалга

оширмасдан туриб, хом-ашё етиштиришга йўналтирилган бир ёқлама иқтисодиётдан холос бўлиш, томмаънодаги иқтисодий мустақилликка эришиш мумкин эмас .

Четдан инвестицияларни жалб этиш ҳисобига замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни ишга туширилиши, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этилиши натижасида саноат маҳсулотларини экспорти сезиларли натижада ортди. Хусусийлаштириш соҳасидаги ислохотлар ҳам инвесторларни жалбэтишда муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда .

2013 йилда 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000-2013 йиллар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди.

Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда⁸. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум.

Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мазкур хорижий компаниялар тажрибаларини чуқур ўрганишимиз ва уларнинг таҳлили асосида корхоналаримиз учун корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини яратишимиз, реал иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги аксиядорлик жамиятларининг бошқарув тизимини айти шу асосда ислох қилган ҳолда, уларни амалиётга фаол жорий қилишимиз зарур.

Лекин олинган инвестиция мажбуриятларининг баъзи бирлари кутилган натижаларга эришишда муаммолар туғдирмоқда. Бу муаммолар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

⁸Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 6.12.2014

- корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи;
- корхоналардаги техник-технологияларнинг эскирганлиги;
- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- корхоналарни бошқаришда замонавий ахборот
- воситаларидан фойдаланмаслик;
- мукаммал бизнес-режа асосида иш юритишнинг сустлиги;
- корхоналарда дивиденд тўланишига бўлган эътиборни пастлиги;
- ички ва ташқи бозорларни яхши ўрганмаслик.

Хусусийлаштириш натижасида вужудга келган акциядорлик жамиятларини мамлакатимизнинг иқтисодиётида тобора салмоқли ўрин эгаллаши самарали корхона менежменти тизимини кенгрок жорий этиш ва уни такомиллаштиришни талаб этмоқда.


Жаҳон амалиётида корпоратив муносабатларни тартибга солинишнинг бой тажрибаси тўпланган. Лекин мамлакатимизда ҳанузгача корхона менежментининг назарий ва услубий асослари етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса акциядорлик жамиятларида инвестицион муҳитни яратилишига, чет эл инвесторларини жалб қилишга салбий таъсир этмоқда. Бу муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун қуйидаги масалаларга эътибор берилиши лозим:

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда ижроия орган, Кузатув кенгашлари масъулиятларини ошириш;
- акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашларини малакали мутахассислар ҳисобига шакллантириш ва уларни бошқаришнинг олий органига айлантириш;
- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ҳақида инвесторга етарли ахборот бериш;
- акциядорлик жамиятларидаги мутахассисларни инвестицион лойиҳаларни тузиш бўйича малакаларини ошириш.

Умуман корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантиришдан асосий мақсад бозор иқтисодиёти қонунларига асосанмулкни ҳақиқий мулк

эгаси қўлига топшириш, мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, корхонани молиявий пул ресурсларини шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун хорижий давлатларнинг корхона менежменти таҳлил этиш, корхона менежменти механизмларини, корхоналарнинг ташкилий таркибларини, ишлаб чиқариш жараёнини стратегикistikболлаштириш ва корпоратив-акциядорлар маблағларини бошқаришни ташкил этиш соҳаларидаги тажрибалардан кенг фойдаланиш зарур. Шу мақсадни рўёбга чиқариш учун корхона менежменти ташкил этиш механизмини муаллиф томонидан ишлаб чиқилган варианты таклиф этилган (3.1-расм).



3.1-расм. Корхона менежменти механизми

Келтирилган 3.1-расм корхона менежменти механизмини ўрганишга имкон беради, яъни корхона менежменти механизми корпоратив муносабатлар ва қатнашчиларнинг ўзаро алоқаларини ифодалайди. Ушбу модел доирасида корпоратив муносабатлар қатнашчилари сифатида

мулкдорлар, менежерлар, ички ва ташқи воситачилар иқтисодий муносабатга киришади.

И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда республика фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи ҳам бизни қониқтирмайди. Бундай аҳвол кўп жиҳатдан корхоналардаги корхона менежменти тизимидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар билан боғлиқ”⁹.

Юқорида қайд этилган таклифларни муваффақиятли амалга ошириш акциядорлик жамиятларидаги корхона менежменти сифат даражасини оширишга кўмаклашади ва инвестор(акциядор)ларни мамлакат, корхона иқтисодий фаолиятига жалб этишга ижобий таъсир этади.

3.2. Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инқирозга қарши омиллардан фойдаланиш йўллари.

Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқиши ва ҳозирги пайтда кенг амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Ушбу дастурда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ички талабни кенгайтириш каби асосий йўналишлар қаторида саноат корхоналари имкониятларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Шунга кўра, мамлакатимизда изчил иқтисодий ислохатлар амалга оширилаётган босқичда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига кескин таъсир кўрсатмоқда. Бу инқироз, иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграциялашув жараёнининг тобора

⁹Каримов И.А. “Янгилиниш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир”. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. “Ишонч”, 2007 йил 13 февраль.

чуқурлашиббораётганини инобатга оладиган бўлсак, унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар асосан дунё бозоридаги талаб, нархларнинг кескин тушишида ва мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар фаолиятида намоён бўлмоқда.

Бу ҳақда, Президентимиз И.А. Каримов “Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришга ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади”¹⁰, - деб таъкидлаган эди.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ва хўжалик фаолиятини баҳолашда

самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этиш асосий ўринни эгаллайди. Чунки бу кўрсаткичларга таянган ҳолда корхонада инқирозга қарши истиқболли чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқилади. Амалиётда корхоналарни инқирозга юз тутишини ички ва ташқи омилларини ўрганиш, таҳлил этиш асосида уларни самарадорлигини ошириш борасида аниқ хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналар фаолияти мулк шаклидан қатъий назар, мураккаб иқтисодий жараёнлар кўринишида амалга оширилади. Корхона фаолиятида бир томондан молиявий ресурсларнинг тақчиллиги кўзга ташланса, иккинчи томондан, хўжалик субъектларининг кескин рақобат шароитида фаолият кўрсатишларига, учинчи томондан эса четдан инвестиция жалб қилиш мақсадида корхоналар инвестиция жозибадорлигини оширишга тўғри келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат корхоналари ва

¹⁰Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон, 2009. - 12 б.

бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларида самарадорликни ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда¹¹. Бунинг натижасида корхоналар фаолиятида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Амалиётда корхона самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида рентабеллик кўрсаткичига таянилади.

Рентабеллик даражаси корхона бўйича харажатлардан, асосий ва айланма маблағлардан, ўз маблағларидан қандай фойдаланилганлигини аниқлаш имконини беради.

Иқтисодиёт фанида самарадорлик муаммоси асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамият ривожланишининг турли даврларида бу муаммога ёндашишлар кўп бўлган. Шу сабабли корхона менежменти самарадорлигини баҳолаш соҳасидаги тадқиқотларни назарий таҳлили натижасида самарадорликни турли усуллари мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келинди.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий чегараларнинг шаффофлашиб бориши корхоналарни бошқаришда энг самарали бошқарув усулларида фойдаланиш, корхона иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инқирозга қарши омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Бунда сифат усули гуруҳида ҳозирги шароитда қўлланиши мумкин бўлган иккита бир-бирига яқин бўлган усулларга тўхталиб ўтилади. Бу таққослаш усули ва корпоратив бошқариш таваккалчилигини баҳолаш усуллари дир.

Корхона менежменти самарадорлигини баҳолашни сонли усули корхона фаолиятини иқтисодий таҳлилига асосланган. Ушбу гуруҳни ўзи яна икки усулга ажратилади: молиявий аҳволни баҳолаш усули ва бозор қийматини баҳолаш усули. Корхона менежменти самарадорлигини баҳолашни

¹¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.:Ўзбекистон, 2009. - 35 б.

таққослаш усули турли шароитларда корхона хўжалик юритишни таққослашни англатади. Бунга бошқа давлатларни географик тақсимотини ҳам эътиборга олиниши мумкин. Бундай ёндашув ноформал бўлиб, турли давлатларда корхона менежментини ривожлантириш шароитида таққослаш имконини беради. Корхона менежменти самарадорлигини баҳолаш муаммосига кенгроқ эътибор қаратиш бошқа ёндашишда ўз аксини топди. Бундай ёндашувни услубий бирлиги шундай тушунишни тақозо этадики, бунда корхона фаолиятини молиявий-хўжалик самарадорлиги корхона менежменти самарадорлигини тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботнинг таҳлили усули кенг тарқалгандир. Лекин айрим тадқиқотчиларни ушбу усул бўйича бирқатор камчиликларни мавжудлигини кўрсатиб ўтишган. Биринчидан, оғир шароитга тушиб қолган компаниялар, ўзларини ҳисоботларини чоп этмайдилар, шу сабабли йиллар давомида уларнинг далилларга эришиб бўлмайди, иккинчидан далиллар тўғрисида ахборот бўлсада, улар “ижодий қайта ишлаб чиқилган” бўлади, учинчидан, баъзи бир кўрсаткичлар компаниянинг тўлов қобиляти паст кўрсатса, бошқалари барқарор ёки қисман яхши деб кўрсатиши мумкин. Бундай шароитда реал ҳаёт тўғрисида гапириш қийин. Олдинги иккита эътироз бўйича қайд этиш зарурки, корхона фаолияти тўғрисида ахборотни ўрганиш учун талаблар, турли мамлакатларда ҳар хилдир.

Юқоридагиларга қарамасдан деярли барча мамлакатларда ахборотни очиш учун талаблар умуман олганда бир қатор зарур элементларни ўз таркибига олади. Масалан, бу бир чоракда бир маротаба ҳисобот бериш (АҚШ, Россия) ёки ярим йилда (Германия), бундай талаб корхоналарни ҳисобот беришни кечиктириш имкониятини бартараф этади. Бу биринчидан, молиявий ҳисоботни мажбурий аудиторлик текшириш; иккинчидан, қалбакичилик, таваккалчилигини жиддий пасайтиришни таъминлайди.

3.3. Корхоналар самарадорлигини оширишда корхона менежментининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари.

Ўтказилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, акциядорлик жамиятларида корхона менежментини жадал такомиллаштиришни тақозо этади ва бу мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга замин яратади. Шуларни инобатга олиб, битирув малакавий ишда акциядорлик корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишда корхона менежменти механизмларини такомиллаштириш муҳим эканлигини қайд этиш мумкин. Бу борада мамлакатимиз олимларидан Д.Суюнов¹² корхоналарда корхона менежментини амалга оширадиган механизмларга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб “Корхона менежменти механизми - бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир”, - деган таърифни келтиради. Бу таърифда корхона менежменти механизми мамлакатда шаклланган бизнес муҳитга боғлиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Таклиф этилаётган корхона менежментининг мажмуавий механизмини асосини акциядорлик жамиятлари молиявий ҳамда иқтисодий барқарорлиги ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш даврида самарадорлигини ошириш юзасидан корпоратив органлари фаолияти йўналишлари ва вазифалари ташкил этади. Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий чегараларнинг шаффофлашиб бориши корхоналарни бошқаришда энг самарали бошқарув усулларидан фойдаланишни тақозо этади.


¹²Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. - Т.: Академия, 2007. - 319 б.



3.2-расм. Корхона менежменти органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Шуларни ҳисобга олиб, корхона менежментининг мажмуавий механизми тавсия этилган.

Тадқиқотда қўйилган муҳим вазифалардан яна бири корхона менежменти механизмларига таъсир этадиган воситаларни аниқланганлиги ва улар тизимлаштирилганлигидир. Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корхона менежменти тизими ва механизмларини амалий самарадорлигини ошириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига боғлиқ. Буни эътиборга олган ҳолда илмий ишда корхона менежменти тизимида манфаатлар мувозанатини таъминловчи омиллар ва назорат усуллари асослаб берилди.



3.3-расм. Корпоратив манфаатлар мувозанатини таъминлаш усуллари

Мамлакатимиз корхоналарида корхона менежменти тизими ва механизмларини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш корпоративбошқарув субъектларининг манфаатларини мувозанатига боғлиқ эканлиги тўғрисида хулосага келинди. Бу боғлиқликни ўрганган ҳолда корхона менежментининг иқтисодий механизмига таъсир этадиган омилларни қуйидагича тавсифланди(3.3-расм).

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни диверсификациялаш, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш корхоналарда корхона менежментини жадал ривожланишига таъсир этганидек, ўз навбатида корхона менежментининг ривожланиши мамлакатда инвестиция муҳитининг яратилишига замин яратади. Шунинг учун

корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда корхона менежментини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакат иқтисодиёти товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этаётган корхоналар фаолиятининг ривожланиши натижасида тараққий этиб боради. Бу борада албатта қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги асосий омиллардан биридир. Инвестиция муҳити - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидир. Шунини таъкидлаш жоизки, корхоналарда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш натижасида ишлаб чиқарилаётган товарлар тури, сифати, миқдори ҳамда корхонанинг стратегик бошқарув усуллари ўзгаради.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда корхоналар инвестицион жозибadorлиги тушунчасига берилган ягона ёндашув мавжуд эмас. Корхонанинг инвестицион жозибadorлигини баҳолашдан асосий мақсад, уларни турли лойиҳаларда иштирок этиши, хорижий инвесторлар иштирокида корхонанинг инвестицион муҳитини яратишдан иборат. Корхонанинг инвестицион жозибadorлиги корхонанинг молиявий ҳолатини акс эттирадиган барча кўрсаткичларга боғлиқ.

Республикамиз мустақилликни кўлга киритгандан сўнг ўтган давр мобайнида корхона менежментини такомиллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш юзасидан 5 та қонун ва 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда қисқа муддатда халқаро андозаларга мос келадиган қонунчилик асослари яратилгани корхона менежменти тизимини тўлақонли шаклланишига кенг имкониятларни вужудга келтирди. Республикамиз акциядорлик жамиятларида корхона менежментини икки табақали бошқарув тизими шаклланган бўлиб, у акциядорлар Кузатув кенгаши ва ижроия органидан ташкил топган.

Акциядорлик жамиятларида икки табақали корхона менежменти тизимидан фойдаланиш шакли бир қанча афзалликларга эга бўлиб, у бозор

иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларнинг йирик ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Шу билан биргаликда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корхонанинг ўз акциядорлари билан иқтисодий муносабатларини тўғри ташкил қилиш ҳамда бошқариш вазифаларини мақсадли белгилаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу ўз навбатида бошқарувнинг олдинги усулларидадан принципиал жиҳатдан тубдан фарқ қиладиган замонавий усулларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бошқарувнинг бу усуллари ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Корхона менежменти айнан бошқарувнинг янги усуллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳозирда иқтисодий соҳадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Корхона менежментини жорий қилиш ва такомиллаштириш орқали Ўзбекистон компаниялари янги сифат босқичига ўтишлари мумкин.

Ҳалқаро тажриба шундан далолат берадики, корхона менежменти тамойилларига асосланган акциядорлик шаклидаги мулкчилик муносабатлари бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда самарали хўжалик юритишнинг асосий кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур мамлакатларда ягона юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолиятини биргаликда юритувчи кишилар маълум бир корхоналар ёки акциядорлик жамиятлари атрофида бирлашадилар ва корхона менежменти тамойиллари асосида мулкни тасарруф этиш имкониятига эга бўладилар¹³.

¹³Мирзаев А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув // Бозор, пул ва кредит. 2005. - №3 -Б.6

ХУЛОСА

Корхона менежменти тизимини ташкил этувчи механизмларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда унинг механизмларига илмий ёндашувнинг етишмаслиги аниқланди ҳамда турли ёндашувларни ўрганиш асосида корхона менежменти органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилди.

Битирув малакавий ишда корхона менежментининг ривожланган хориж тажрибасида тан олинган акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ошкоралик, адолатлилик, жавобгарлик ҳамда ҳисоб бериш мажбурияти тамойилларига қатъий амал қилиниши инвесторлар билан муваффақиятли иш олиб боришда муҳим масала эканлиги ўз исботини топди. Чунки корхона менежменти тамойилларига қатъий амал қилиш муҳим инвестицион қарорлар қабул қилиш чоғида эътиборга олинниши керак бўлган асосий омиллардан бири саналади.

Корхона менежменти тамойилларига асосланган мулкый муносабатларнинг ривожлантирилиши бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлаги сифатида қаралмоғи лозим. Акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ошкоралик, адолатлилик, жавобгарлик ҳамда ҳисоб бериш мажбурияти тамойиллари ҳам алоҳида, ҳам биргаликда корхона менежменти тизимининг ишончлилигини таъминлайди. Бу эса бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга, корхона фаолиятини юриштишдаги ахлоқий меъёрларга риоя этилишига имконият беради.

Тадқиқотда хориж тажрибасида тан олинган ёндашувларни мамлакатимиз корхоналари фаолиятига тўғридан-тўғри кўчириш ва бевосита фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳамда мазкур ёндашувлардан мамлакатимиз маҳаллий шароитларига, маълум корxonанинг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларига мос келувчи элементларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди.

Қайд этиш жоизки, акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланиши ва юқори даромад келтириши унинг молиявий кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Натижада акциядорларга дивидендлар тўлаш, корхонани модернизация қилиш учун ўз маблағини ажратиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса корхона менежменти органлари, жумладан, кузатув кенгаши ҳамда ижроия органи маъсулиятларини янада оширади.

Битирув малакавий ишда амалга оширилган ҳисоб-китоблар таҳлили, корхона менежментининг ташкилий тизими ва воситаларидан самарали фойдаланиш, унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш корхона самарадорлигини ортишини кўрсатади.

Тадқиқотда қўйилган муҳим вазифалардан яна бири корхона менежменти механизмларига таъсир этадиган воситаларни аниқланганлиги ва тизимлаштирилганлигидир. Корхона менежменти тизими ва механизмларини самарадорлигини ошириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига боғлиқ. Шунини ҳисобга олиб тадқиқотда корхона менежменти тизимида манфаатлар мувозанатини таъминловчи омиллар ва назорат усуллари асослаб берилди.

Муаллиф томонидан тавсия этилаётган корхона менежментининг миллий моделини такомиллаштириш йўллари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни самарали ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари ва хулосалардан келиб чиқиб корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда корхона менежментининг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

➤ корхона менежменти тизимини такомиллаштириш, уни тамойил ва механизмларини тўғри йўлга қўйишда комплекс ёндашувни ҳисобга олиш зарур.

➤ акциядорлик жамиятида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан корхона самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки бу акциялар қийматини баҳолашда инвесторлар учун муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, шу кўрсаткич қимматли қоғозлар бозорида харидор ва сотувчиларга қайси корхона акциясини сотиб олишга қарор қабул қилиш йўлларини кўрсатади.

➤ таклиф этилаётган корхона менежментининг мажмуавий механизми акциядорлик жамиятлари молиявий, иқтисодий барқарорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан корпоратив органлар фаолияти йўналишлари ва вазифаларини аниқ белгилаб беради.

➤ кузатув кенгашини режаси бўйича ўтказиладиган ҳар бир мажлиснинг кун тартибида корхона молиявий ҳолатининг таҳлили муҳокама қилиниши корхона уставида белгилаб қўйилиши зарур.

➤ ижроия органининг кузатув кенгашига тақдим этадиган жорий ҳисоботларида корхонада йўл қўйилган молиявий йўқотишлар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги ахборотлар батафсил тақдим этиб борилиши зарур.

➤ корхона менежментининг таклиф этилаётган усулларнинг самарали ишлаши учун давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий, қонунчилик, солиқ назорати, валюта ва божхона сиёсати воситаларини такомиллаштириш лозим.

➤ корхона менежментининг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати муҳим дастаклардан биридир. Корхонада дивиденд сиёсатини тўғри юритилиши акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини қизиқишларини ортишига ҳамда корхонанинг муайян обрўсини яратишда муҳим омил ҳисобланади.

➤ тадқиқот сифатида олинган “Нотўқимачи” очиқ акциядорлик жамиятида акциядорлар номидан молиявий назоратни олиб бориш маъсулияти юкланган шахсларга нисбатан малакавий талаблар қўйилиши

ЛОЗИМ.

➤ иқтисодиётни модернизация қилиш даврида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этишни рағбатлантиришга йўналтирилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда корхона менежментининг миллий моделини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланди. Буни уч поғонада - корхона, ҳудуд ва республика миқёсида амалга оширилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисдаги маърузаси// www.uza.uz
2. Ўзбекистон Республикасини Президентлигига номзод Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг 2015 йил 29 мартда бўлиб ўтган сайлов олди дастури//www.12news.uz
3. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2014 йил. 6 май. 370-сон. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.- Т.: "Ўзбекистон", 2011 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал курилишини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" ги қарори. 2007 йил 18 август//www.lex.uz
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепсияси // "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 13 ноябрь. №220,4-бет.
6. Вақабов А.В, Иброҳимов А.Т, Ишонқулов Н.Ф "Молиявий бошқарув таҳлили" Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти, II қайта ишланган нашр.-Т.: "Шарқ", 2005 йил.
7. Рахимов Б.Х, Шомирзаев Э.А, Қосимова С.Т "Шаҳар курилиши ва хўжалиги иқтисодиёти".-Т.: 2010 йил.
8. "Хўжалик фаолияти таҳлили" маърузалар матни ўқ. Худойберганова С, Термиз -2008 йил.
9. Зайнутдинов Ш.Н ва бошқалар "Менежмент асослари." -Т.: "Молия

“нашриёти. 2001 йил.

10. Зайнутдинов Ш.Н, Рахимова Д.Н. “Корхона менежменти асослари”.-Т.: “Академия” 2007йил.

11. Суюнов Д. “Корхона менежменти механизми: муаммо ва ечимлар”. Монография. - Т.: “Академия”. 2007йил.

12. Дафт Р.Л. “Менежмент”. -СПб.:” Питер”. 2001 год.

13. Хорнби У., Гэмми Б., Уолл С. “Экономика для менеджеров: Уч. пособие для вузов” / Пер. с англ.; Под. ред. Никитина А.М. -М.: ЮНИТИ, 1999год.

14. Қосимова Ғ.М “Менежмент”. .-Т.: “ Ўзбекистон“, 2003 йил.

15. “КИМУНИМОУАТА`МИНОТ” ҚК МЧЖ нинг 2012-2014 йиллар учун йиллик бухгалтерия баланслари.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

16. <http://www.mf.uz>

17. <http://www.gki.uz>

18. <http://www.birjapress.uz>

19. <http://www.spc.gov.uz/cgi-bin/ru/viewnews>

20. <http://www.edu.hsb.uz>

21. <http://www.corpgov.ru>

22. <http://www.lex.uz>

ИЛОВАЛАР